



CANADA



CANADA

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ИНСОННИНГ УЗОҚ УМР КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ МЕЗОНДИР!

Содикова Дурдана Султонмуродовна

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимларини малакасини ошириш ва ихтисослаштириши маркази Фарғона филиали ихтисослик йўналиши бўйича директор ўринбосари

Аннотация: Соғлом турмуши тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шугулланиши, организмни чиниқтириши, шаҳсий гигиенага риоя қилиши, оқилона овқатланиши, зарарли одатлардан ўзини тийши, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриши ва шу каби бошига кўплаб таркибий қисмлардан иборатdir.

Ушбу мақолада соғлом турмуши тарзи ва соғлом овқатланишининг аҳамияти илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: соғлом турмуши тарзи, спорт, саломатлик, соғлом овқатланиши, инсон омили.

Ота-боболарнинг овқатланиш борасидаги тажрибаларида кўп нарсалар мақсадга мувофиқ бўлиб, турмуш тарзига, иқлимга, миллий урф-одатлар ва анъаналарга мос келади.

Соғлом ва тўғри овқатланиш аввало тартибли олиб борилгандагина фойда беради. Халқимизда “Эрталабки нонуштани ўзинг е, тушликни дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер, деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаган”. Агарда овқатланиш тартибига риоя қилинмаса, ҳазм қилиш фаолияти қийинлашади, тартибсиз, нотўғри овқатланиш эса, касалликларга олиб келади.

Кейинги пайтларда ортиқча вазн ва семириш ҳолатлари кўп учрамоқда, овқатланиш тартиби ва турмуш тарзининг ўзгариши, жумладан камҳаракатлилик билан боғлиқ. Ортиқча вазн ва семириш турли сурункали касалликларни, хусусан қон босимининг ошиши, 2-тип қандли диабети, юрак ишемия касаллиги, қон айланишининг бузилиши ва саратон касалликларининг келиб чиқишидаги етакчи хавфли омил ҳисобланади.

Нотўғри овқатланиш сабаблари. Аҳоли орасида сурункали ноинфекцион касалликларнинг асосий омили бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- таркибида ҳайвон ёғлари бўлган овқатларни кўп истеъмол қилиш;
- шакар ва тузни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш;
- гўшт ва сут маҳсулотларини, сабзавот, мева ва кўкатларнинг кам истеъмол қилиш;
- чойни овқат билан кўп истеъмол қилиниши.

Соғлом овқатланишининг 12 та тамойили

1. Турли хил озиқ-овқат маҳсулотларни истеъмол қилинг.
2. Кун давомида бир неча марта, турли хил мева ва сабзавотларни истеъмол қилинг. Яхшиси янги ва маҳаллий шароитларда етиштирилган маҳсулотларни 400 гр.дан кам бўлмаган микдорда истеъмол қилинг.
3. Нон, йирик тортилган ун маҳсулотлари, ёрмалар, картошкани ҳар куни истеъмол қилинг.
4. Овқат билан бирга ёғларни организмга тушишини назорат қилинг, иложи борича ҳайвон ёғларини ўсимлик ёғларига алмаштиринг.
5. Ёғли гўшт маҳсулотлар ўрнига дуккаклиларни, балиқ, товуқ гўшти ёки ёғсиз гўшт истеъмол қилинг.
6. Ёғлилиги паст бўлган сут ва сут маҳсулотларини-кефир, творог, йогурт, ёғлилиги ва тузи паст бўлган пишлоқларни истеъмол қилинг.
7. Таркибида кам микдорда қанд бўлган маҳсулотларини танланг, шакар ва қандни кам истеъмол қилинг. Ширинликлар ва ширин ичимликларни чегараланг.
8. Тузни кам микдорда истеъмол қилинг. Тузнинг бир кунлик умумий микдори 1 чой қошиқ – 5 гр.дан ошмаслиги керак.
9. Чойни табиий шарбатлар ва ичимлик суви билан алмаштиринг ёки асосий овқатлар истеъмол қилиш оралиғида ичинг.
10. Таом тайёрлашда хавфсизликни таъминлаш жуда муҳим. Таомни буғда пиширилганда, қайнатилганда ва димланганда ёғ, туз ва қанд микдорини кам ишлатилиши таъминланади.
11. Чақалоқларни 1-чи 6 ой давомида қўқрак сути билан боқинг. Кўшимча овқатларни аста секинлик билан, яъни қўқрак сути билан боқишни давом эттирган ҳолда бериб боринг.
12. Тана вазнини белгиланган меъёрда ушлаб туриш учун ҳар куни организмга маълум микдорда жисмоний юклама беринг.

Озиқ маҳсулотлар пирамидаси

Пирамидада озиқ моддаларнинг истеъмол қилинишини оптимал даражада таъминлаб берувчи озиқ маҳсулотлар гурухлари тасвирланган. Пирамида блокларга бирлаштирилган озиқ маҳсулот гурухлари, озиқ маҳсулотларининг бир-бирига нисбатан ва уларнинг турли-туманлиги ҳақида тушунча беради. Бундай ажратиш ҳар бир гурух таркибидаги озиқ моддаларнинг йигиндисини намоён қилади.

1. Нон, ёрмалар, гуруч, картошка.
2. Сабзовот ва мевалар.
3. Сут ва сут маҳсулотлари.
4. Гўшт, парранда гўшти, балиқ, тухум, дуккаклилар ва ёнғоқлар.
5. Ёғли маҳсулотлар, ширинликлар, туз ва шакар.

Муҳими, шу барча маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши ва уларнинг турли-туманлигидир. Соғлом инсон учун ҳеч қандай парҳез ва овқатланишнинг маҳсус тизими керак эмас. Нотўғри овқатланиш натижасида озиқ моддалар фойда эмас, зарар

келтириши мумкин. Овқатланиш қоидаларини, овқат маҳсулотлари хилма-хиллигини ва уларни истеъмол қилишда ишлатиладиган энергия сарфини билиш ва тушуниш зарур. Хар бир инсон доимий равишда ўз тана вазнингизни назорат қилиб туриш керак.

Биринчи гурух маҳсулотлар – яшил рангда белгиланган бўлиб, нон, ёрма, гуруч, дон, буғдой, сули ва катрошка, мураккаб углеводлар (крахмал), озиқа толалари, кальций, темир тузлари, В гурух витаминларнинг асосий манбаи эканлигини англатади.

Нон маҳсулотлари, ёрма ва картошкани тўғри танлашга кўрсатмалар:

– буғдой унidan тайёрланган нон, кепакли нон, қора нон тавсия этилади. Бу озиқа юрак ва қон томир касалликлари, ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет, ўт-тош касаллиги хамда қабзият ривожланиш хавфини камайтиради;

– катта одам учун кунига 250-300 гр. нон истеъмол қилиниши лозим, шулардан иирик ундан тайёрланган маҳсулотлар – 50 гр., ёрма – 50-80 гр.;

– хамирли, қандолат ва ёғга бой ун маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш;

– картошкани ҳар куни 150-200 гр. қайнатилган ёки димланган қўринишда истеъмол қилингани маъқул. Ҳайвон ёғида қовурилган картошкани истеъмол қилишдан ўзини тийган маъқул.

Иккинчи гурух маҳсулотлари – бу витаминлар, микро ва макро элементларга бой ҳамда соғлик учун фойдали бўлган озуқа толаларини ўзида сақлайдиган сабзавот ва мевалардир;

Кунига 400 гр. дан кам бўлмаган миқдорда, ўз иқлим шароитимизда этиширилган, янги сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Хўл меваларни кўпроқ истеъмол қилиш керак, уларнинг шарбатларини асосан овқатланиш оралиғида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Сабзавотларни хомлигича ҳам, салат ва овқат қўринишида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Сабзавотларни кўп қовуриш керак эмас (қовурилган маҳсулотлар ёғни ўзига шимиб олади), уларни димлаб пишириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон сабзавот ва мевалари мўл бўлган юрт бўлиб, қишлоқ шароитида бу маҳсулотларни турли-туманлигига ва қундалик овқат рационида албатта истеъмол қилинишига алоҳида эътибор бериш керак.

Учинчи гурух маҳсулотлари – сут ва сут маҳсулотлари кальций тузлари, оқсили, витамин А, В2, В12 ва аминокислоталар манбаи ҳисобланади. Ёғ миқдори кам бўлган сут-қатиқ маҳсулотларини танлаш керак. Кунига 200 мл. сут-қатиқ маҳсулотларини, биokefir, творог, пишлоқ (60-80 гр.) туридагиларни ва туз, ёғ миқдори кам бўлган сут-қатиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилади.

Тўртинчи гурух маҳсулотлари – гўшт, парранда гўшти, балиқ, тухум, дуккаклилар, ёнғоқ – бу юқори биологик қийматли оқсиллар, В гурух витаминлар (айниқса В12), осон ҳазм бўладиган темир ва рухнинг манбаидир. Ёғсиз гўшт ва парранда гўштини (терисиз ҳолда) (100гр.), балиқни кўпроқ (100гр.) истеъмол қилиш



мақсадға мувофиқдир; шу қаторда колбаса, сосискаларни истеъмол қилишни қисқартириш керак, негаки уларда ҳайвон ёғлари кўп микдорда бўлади. Бу маҳсулотларни ёғда кўп қовурмаслик керак, ундан кўра буларни димлаш, сувда, буғда пишириш (котлета ва шу каби маҳсулотлар) мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи гурух маҳсулотлари – ёғлиқ маҳсулотлар ва шириналлар. Бу маҳсулотларни кўп истеъмол қилмаслик керак, ундан кўра ёғсиз ва кам шакарли қандолат маҳсулотлари ўрнини босадиган маҳаллий мева қоқилари (ўрик, олхўри, анжир, олма ва майиз)ни истеъмол қилиш организм учун фойдалидир. Улар таркибидаги витамин ва микроэлементлар организмда иммунитетни оширади ҳамда камқонликни олдини олишга имкон беради.

Овқат ейиш вақтида шириналлар ҳамда рангли ширин газланган ичимликларни истеъмол қилиш одатидан воз кечиши керак. Уларнинг ўрнига қадоқланган газланмаган сув, оддий қайнатиб совутилган сув, табиий шарбатлар ёки мева қоқилардан тайёрланган дамламалар ичиш мақсадга мувофиқ.

Ҳайвон ёғларидан кўра, ўсимлик мойларини кўпроқ истеъмол қилиш керак.

Кундалик таомномани тузища озиқ-овқат маҳсулотларини танлаш талабларига риоя қилинг:

Хар қандай озиқ-овқат маҳсулотини организимга фойдали ва заарли хусусиятларини инботга олиб 3 хил турга ажратиб танлаш мумкин.

Яшил ранг – Чекланмайдиган озик овқат маҳсулотлари

- Нон (жавдари қора нон, кепакли нон, буғдой нон)
- Ёғсиз гўшт маҳсулотлари (мол гўшти, қўй гўшти, ёғсиз парранда гўшти) кун давомида -150г

• Балиқ гўштидан тайёрланадиган овқатлар

• Ёғсиз творог 160-200г кун давомида

• Пишлоқнинг тузсиз турлари (қишлоқ шароитида сузма)

• Нордон ва ширин -нордон турдаги олма

• Барча мева ва сабзавотлар

• Дуккаклилар

• Кўкатлар, резавор мевалар

• Мева ва сабзавот шарбатлари

• Кўк чой, газланмаган минерал сув

Сарик ранг – маълум чекланган микдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари

• Цитрус мевалар

• Дрожжали нон

• Дудланмаган колбаса (докторский)

• Тузли дудланган пишлоқлар

• Қайнатилган тухум

• 10% ли Сметана (факат салатларга қўшиш учун)

• Йогурт, желе, мармелад, зефир, сутли музқаймоқ

- Майонез, кетчуп
- Ёғлилиги 1% дан юқори бўлган сут маҳсулотлари
- Кизил ранг – Чеклаш зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари
- Ачитилган нон ва ачитилган хамирдан тайёрганланган овқатликлар
- Шоколад ва қандолат маҳсулотлари
- Маргарин ва ҳайвон ёғи
- Дудланган калбаса
- Қизил қалампир, аччиқ зираворлар
- Газланган ширин рангли ичимликлар
- Спиртли ичимликлар
- Консерваланган гўшт ва балиқ маҳсулотлари
- Тузламалар

Умуман олиб қараганда, овқатланишда нималарга эътибор бериши керак?

- овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш;
- овқатнинг микдори меъёрда бўлиши;
- истеъмол қилинаётган овқат қуввати сарфланган қувватни қоплаши;
- овқатнинг сифатий мукаммалигини таъминлаш;
- озиқ-овқатларнинг хилма-хиллигига эътибор бериш.

Агар ухлашдан олдин бироз очлик ҳисси сезилса, сабзавотли салат, олма ёки қатик ичиш мумкин.

Овқат тайёrlашда:

- таом тайёrlаш усулини ўзгартирган ҳолда – гўштнинг ёғли қисмини олиб ташланг;
- ҳайвон ёғлари ўрнига ўсимлик ёғларидан фойдаланинг;
- қовуриш ўрнига қайнатиш, бугда пишириш ва димлашдан фойдаланинг;
- таркибида трансёғлар бўлган қайта ишланган маҳсулотлардан фойдаланишдан воз кечинг ва табиий овқатликларни танланг!

АДАБИЁТЛАР:

1. О.Каримов. Валеология. Тошкент, 2028.
2. Р.Шарипов. Соғлом турмуш тарзи. Услубий кўрсатма. Тошкент, 2021.
3. Kasimov, K. I., & Egamberazarov, A. I. (2023). FAMILY IS ONE OF THE IMPORTANT FACTORS IN THE FORMATION OF ENTREPRENEURIAL QUALITIES. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 3(1), 18-25.
4. Yuldashev, I., Parpiev, O., Makhmutaliev, A., Tukhtanazarov, I., & Umaralievich, K. U. (2021). Pedagogical bases of formation of physical culture and social culture in Youth. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 54-58.

5. Yuldashov, I., Umaralievich, K. U., Goynazarov, G., & Abdurakhmonov, S. (2021). Innovative development strategy in the field of sports and the basics of its organization. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 48-53.
6. Sadigjonovich, G. B., & Umaralievich, K. U. (2022). Socio-Philosophical Aspects of the Orientation of Young People to Entrepreneurial Activity. *Research Focus*, 1(4), 359-363.
7. Тешабоев, М., Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2022). Глобаллашув Шароитида Ёшлар Тарбиясига Салбий Таъсир Этувчи Омиллар Ва Уларнинг Хусусиятлари. SO ‘NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 5(1), 382-388.
8. Rayimov, A. A. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1(1), 29-32.
9. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). Ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишда қадриятларнинг аҳамияти. *Перекрёсток Культуры*, 2(1).